ҚИРҒИЗ ЭТНИК ГУРУҲЛАРИНИНГ ФАРҒОНА ВОДИЙСИГА КЎЧИБ КЕЛИШИ ТАРИХИДАН

О. Абдураупов

В данной статье широко освещены этногенез, антропологическое строение киргизов, их упоминание в письменных источниках, также происхождение этнонима “киргиз”, хозяйство и процессы оседания в Ферганской долине, описан их образ жизни.

In given article are widely covered ethnogeny, anthropologic structure of the Kirghiz and their mention in written sources, also origin entomic of the Kirghiz, facilities and processes place in the Fergana valley. Besides are detailed are described their image of life.

Ҳозирги даврда ўзбеклар, тожиклар ва қирғизлар Фарғона водийси аҳолисининг асосини ташкил қиладилар. Бошқа этносларнинг салмоғи унчалик кўп эмас.

Тарихий манбалардан маълумки, Фарғона водийсида ўзбеклар билан ёнма-ён ва ҳатто аралашиб яшаб келаётган қирғиз халқининг этномаданий, ўзаро иқтисодий-сиёсий алоқалари қадимги даврларга бориб тақалади.

Қирғизлар – Марказий Осиёда истиқомат қилувчи қадимги туркийзабон халқлардан бири. Уларнинг этногенези ҳам саклар, усунлар ва хунларнинг қабилавий уюшмаларга бориб туташади.

Антропологик жиҳатдан қирғизлар жанубий сибир мўғулийлар ирқи таркибига кирган, қирғиз тили шимолий-ғарбий ёки қипчоқ, туркий тиллар гуруҳига тегишлидир.

Ўрта Осиёнинг шарқий қисмидаги халқларнинг мўғуллар давригача бўлган тарихшунослиги, асосан, Хитой манбаларида намоён бўлади.

Қирғизлар ҳақидаги илк маълумотлар «Хитой тарихининг отаси» Сима Цяннинг «Тарихий йилномалар» (Ши-цзи) асарида учрайди: «Милоддан аввалги III-I асрларда Хитойларнинг шимолдаги қўшниси хуннлар бўлиб, улар Ўрта Осиё тарихида биринчи бор чорвадорлар империясига асос солганлиги билан маълум. Хитойлар хуннларни келиб чиқиши жиҳатидан туркий халқларга яқин деб ҳисоблаганлар. Сима Цяннинг ёзишича, милоддан аввалги 201 йилда хуннлар шимолдаги Гэгунь подшолигини ўзларига бўйсундирадилар» [1,475-476]. Хитой ҳамда европалик олимлар “гэгунь” сўзи транскрипциясини қирғиз сўзи билан боғлайдилар (бу атамани Бартольд Гянь шаклида талқин қилган). Бундан аён бўладики, милоддан аввалги 201 йилги воқеалар баёнида қирғизлар илк бор тилга олинади. Дарвоқе, милоддан аввалги 201 йил воқеалари баёнида қирғизлар яшаган худуд ҳақида ҳеч нарса дейилмаса-да, уларнинг қўшниси бўлган Динлинлар яшаган ҳудуд эслатилади. Шундан маълум бўладики, қирғизлар ўша вақтларда Енисей атрофларида яшаганлар. Хитой солномачиси Бань Гуннинг «Катта Хань тарихи» (милоддан

аввалги 206 — милоднинг 25 йиллари) номли асарида ҳам бизни қизиқтираётган масалага оид маълумотларни учратамиз. Ушбу асарда милоддан аввалги биринчи асрнинг иккинчи ярми воқеалари баёнида қирғизлар “гяньгунь” номи билан эслатилади.

Қирғиз халқининг тарихи ҳақида шуни ҳам таъкидлаш лозимки, милоднинг I-IV асрларига доир манбаларда қирғизлар ҳақида ҳеч қандай маълумотлар учрамайди.

Тан сулоласи тарихи (Тан-шу)да (сулола 618-907 йиллар ҳукмронлик қилган) қирғизлар ҳақида илгари ёзилган тарихий адабиётлардагига нисбатан анча муфассал маълумотларни учратамиз. Унда илк бор қирғизлар яшаган географик ҳудуд, уларни қўшни мамлакатлар билан туташтирувчи йўллар ҳамда қирғиз халқининг ташқи кўриниши, тили хусусида маълумотлар келтирилади.

Ўрта Осиёнинг IX-XIII асрлари тарихини ёритган араб муаррихлари Гардизий (XI аср) ва Жувайний (XIII аср) асарларида ҳам қирғизлар тилга олиниб, улар ҳақида мукаммалроқ маълумотлар баён этилади. XII аср охири — XIII аср бошларидаги қирғизлар давлатининг таркиби тўғрисидаги маълумотларни биз Рашидуддин асарларида учратамиз.

Қирғизларнинг хўжалиги қадим-қадимдан чорвачиликка асосланган, улар Тянь-Шаннинг шимолий ҳудудларидан тортиб то Енисей (Энасой) дарёсигача бўлган кенг саҳро ва даштларда кўчманчилик билан кун кечиришган. Қирғизлар қадимги даврларда туркий қабилалар — хуннлар, туркашлар, уйғурлар ва бошқалар тобелигида яшагани, келиб чиқиши жиҳатидан туркий халқ бўлгани учун уларнинг хўжалиги ўша даврдаги бошқа кўчманчи-чорвадор туркий қабилалардан айрим жиҳатлари билангина ажралиб турган. Масалан, ислом динини қабул қилгунга қадар улар ўликларни куйдириб, кейин суякларини кўмишган. Бу ҳақда XII асрда яшаган араб муаррихи ал-Марвазий «Табои ал-ҳайавон» асарида шундай ёзади: «Хирхизлар (қирғизлар) мурдаларни куйдиришган. Улар олов марҳумларни поклаб, тозалайди деб ҳисоблашган. Ўтмишда улар шунга амал қилишган. Аммо уларга мусулмонлар қўшни туришгач, марҳумларни кўмишган» [2,176].

Туркий халқлар тарихини чуқур ўрганган академик В.В.Бартольднинг фикрига кўра, Ўрта Осиё халқлари ичида «қирғиз» этноними тарихда энг эрта тилга олингани билан ажралиб туради.

«Қирғиз» этнониминиг келиб чиқиши масаласида турлича қарашлар мавжудлигини таъкидлаш керак. Л.Лигети ва бошқа олимлар лингвистик таҳлилга таяниб қирғиз этноними сонни ифодаловчи «қирқ» сўзи ва кўпликни ифодаловчи «из» қўшимчасидан таркиб топган деган фаразни айтганлар. Рус олимларидан айримлари «қирғиз» этноними — қирқ гуз (қирқ ўғуз қабиласи), баъзилари «қирқ жуз» (қозоқларнинг «жуз» қабила бирлашмаси каби бирлашмаларнинг қирқтаси) [1,447] билан боғлиқ деб билишган.

Абулғози Баходирхоннинг «Шажараи турк» асарида қирғизлар Ўғузхоннинг Қирғиз исмли невараси авлодлари сифатида кўрсатиладики [3,34], бу қирғизларни ўғуз қабилаларининг бир бўлаги ҳисоблаган халқ афсоналари билан боғлиқдир.

Бошқирд шарқшуноси Аҳмад Заки Валидий Тўғон «қирғиз» этнониминиг қадимий шакли «қирқир» ёки «қир кир» бўлса керак, деб тусмоллайди [4,81] .

Тяньшань туманларидан қирғизларнинг Фарғона водийсига кириш учун дастлабки ҳаракатлари XVI асрдаёқ бошланган эди. Қирғизларнинг водийга кейинги икки марта кўчиши қалмоқлар сиқуви оқибатида юз бериб, XVII ва XVIII асрларга тўғри келади. Уларнинг бир қисми аввал яшаган ҳудудларига қайтган бўлса, қолган қисмининг авлодлари ҳозирга қадар водийда яшамоқда.

Ўтроқлашаётган кўчманчилар Фарғонанинг суви сероб, суғоришга қулай бўлган Оқбура, Аравон дарёлари этакларига, Андижон атрофларига келиб ўрнашганлар. Натижада бу атрофларда қатор қишлоқлар пайдо бўлган. «Бобурнома»да ёзилишича, Оқбуранинг «ҳар иккала жониби боғот тушибдур, тамом боғлари рудка мушрифтур» [9;61]. Бу ҳолат XIV-XV асрларда Фарғона водийсининг кўпроқ шарқий томони ўзлаштирилиб, Андижоннинг иқтисодий жиҳатдан ривожланиб борганлигидан ҳам дарак беради.

Фарғона ерлари, айниқса, унинг жанубий-шарқий ва шарқий районларини ўзлаштириб обод қилишда кўчманчи қирғизлар ҳам алоҳида ўрин тутади. Қирғизлар XVI-XVIII асрлардаёқ шарқий, жанубий ҳамда шимолий-шарқий Фарғонанинг тоғ олди районларигача келган ва яйловларни эгаллаган эдилар.

Рус тарихчиси П.П.Иванов XVIII аср охирида қирғизларнинг Қушчи (Қутчи) ҳамда Ичкилик қабилалари Фарғона водийсидаги сиёсий ҳаётда фаол иштирок этганини кўрсатиб ўтади. Қушчи авлоди Андижон тумани атрофларида, ҳозирги Жалақудуқ (Сўфиқишлоқ)гача бўлган ҳудудларда кўчиб юрган. Ичкилик қирғизлари эса Ойим, Қўрғонтепа ва Савай чўли атрофларини

эгаллаган. Айрим кўчманчилар, асосан, шимол томонда — Норин дарёсининг ўнг қирғоғида ва «Икки сув ораси» районида жойлашган эди. Бу нарса Фарғона водийсида ўтроқ деҳқончилик билан чорвачилик хўжаликларининг ёнма-ён тотув яшагани, улар ўртасида ўзаро иқтисодий ҳамкорлик, ижтимоий меҳнат тақсимотида бир-бири билан боғлиқлик ҳамда ҳамжиҳатлик бўлганини кўрсатади [5,26].

Қирғиз уруғларининг Фарғона водийси ҳудудига келиб ўрнашишининг асосий сабабларидан бири чорвалари учун янги яйловларни излаб топиш эди. Улар шу мақсадда водийнинг барча ҳудудлари бўйлаб жойлаша бошлаганлар. Қирғиз уруғлари келиб ўрнашган дастлабки даврларданоқ ўтроқ аҳоли билан ижтимоий-иқтисодий муносабатларга киришганлар. Чорвадор қирғизлар билан ўтроқ ўзбек деҳқонлари ўртасида маҳсулот айирбошлаш одатий ҳолга айлана борди. Аниқроғи, чорва маҳсулотларини деҳқончилик, ҳунармандчилик маҳсулотларига айрибошлаш кенг тус олди. Аксарият қирғизларда уй ҳунармандчилиги ўзига хос тарзда ривожланган бўлиб, улар чорва маҳсулотларидан, жумладан, тери, жундан турли хил кийим-бош, кигиз, уй-рўзғор буюмлари ва ҳоказолар тайёрлаганлар, уларнинг бир қисмини айирбошлаш учун маҳаллий бозорларга олиб чиққанлар.

Қирғизларнинг ўзига хос турмуш тарзи ва кўчманчилик ҳаёти уларнинг касб-корлари, ҳунармандчилиги, шунингдек, халқ амалий санъати характерини белгилаб берган. XX аср бошларида уларнинг чорвачилик ва ўсимликка оид маҳаллий хом-ашё билан таъминланадиган турлари кўпроқ ривожланган. Масалан, жундан нақшли кигиз ва пат гиламлар, турли майда гиламчалар тўқишда, ипак-калавалардан тўқимачиликда, нақшли бўйралар тайёрлашда, кигиз ва терига нақш тикишда кенг фойдаланилган. Ошланган теридан от абзалларининг қайиш-терили қисмларини, уй анжомлари ва идишлари, кумуш тўқали камарлар тайёрлашда фойдаланилган. Уй ҳунармандчилиги ҳисобига қирғиз оилаларининг кийим-кечак, рўзғор анжомларига бўлган эҳтиёжини асосан қондиришга муваффақ бўлинган.

Уй ҳунармандчилигида бир қарашда яққол кўзга ташланмайдиган аёллар ва эркаклар орасидаги меҳнат тақсимоти мавжуд эди. Масалан, чорвачилик хом ашёси ва юмшоқ ашёларга ишлов бериш билан, асосан, аёллар шуғулланишган. Улардан кигизлар, жун қоплар, арқонлар, кигиз қалпоқлар, гиламлар, либос унсурлари ва ҳоказоларни тайёрлашган. Аёллар ишлаб чиқарган маҳсулотнинг фарқли қирраси шуки, улар учун хом ашё шахсий хўжаликда етиштирилган.

Қаттиқ ашёлардан (металл, ёғоч, тош, суяк ва бошқа) рўзғор буюмларини тайёрлаш билан эркаклар шуғулланишган. Айтиш керакки, бу машғулот турлари оммавий бўлмасдан, мутахассислашувни талаб қилган. Чунончи, эркаклар заргарлик, ёғоч ва суякка ишлов беришдек ноёб ҳунарлар билан шуғулланганлар.

XIX асрнинг охири — XX аср бошларида бошқа халқлар билан алоқалар кучайиб бориши, айирбошлаш ва савдо-сотиқнинг такомиллашуви натижасида қирғизларнинг анъанавий либосларида бир қатор ўзгаришлар юз берди. Энг аввало, четдан келтирилган газламалар кенг тарқалди. Аста-секин аёллар ва эркаклар кийимидаги ўхшаш томонлар камая борди, баъзи турлари умуман йўқолиб кетди, айримларининг бичими ўзгарди, либосларга ўзга халқ либосларидаги айрим унсурлар кўчиб ўта бошлади. Аммо кийим-кечакдаги ўзгаришлар ҳамма жойда бирдек кечмади. Тараққиётнинг одими етиши қийин бўлган тоғли худудларда уй шароитида қўлбола воситалар билан тайёрланадиган кўҳна либослар ҳамон ўз мавқеини йўқотмаган эди [6,234-235].

Қирғиз таомлари анъанавий тарзда гўшт ва сут маҳсулотларидан тайёрланар эди. Зироатчилик маҳсулотларидан арпа, буғдой, тариқ, шунингдек, ёввойи ҳолда ўсувчи табиат инъомлари кенг истеъмол қилинган.

XX аср бошларида ўтроқлашган қирғизлар сабзавотчилик билан ҳам шуғуллана бошлашди. Шунингдек, уларнинг ошхонасига қўшни халқларнинг миллий таомлари, жумладан, манти, чучвара, лағмон, қовурма ва бошқалар кириб келди.

Турли халқлар билан доимий ўзаро алоқалар жараёнида моддий-маданиятнинг бошқа компонентлари шаклланди. Унинг эскирган унсурлари амалий ва эстетик талабларга жавоб берадиганлари билан алмашди.

Қирғизларнинг кўп асрлик кўчманчилик ҳаёти, патриархал-уруғчилик турмуш тарзи ижтимоий ва маиший ҳаётининг барча соҳаларида чуқур из қолдирди. Яшаш тарзининг ўзгариши билан Фарғона водийсида яшовчи қирғизларда XIX асрнинг биринчи ярмидаёқ доимий типдаги уй-жойлар, лой-тупроқли ва ёғоч уйлар пайдо бўла бошлади. Водий қирғизлари XX аср бошларига қадар асосан «қора уй», «кигиз уй» деб номланувчи ўтовларда ва, қисман, ярим ертўла шаклидаги уйларда яшаганлар. Қирғиз ўтовлари яшаш тарзига мосланган тенгсиз сифатларга эгалигидан бу

даврда ҳам асосий уй-жой шакли бўлиб қолган. Ўтовнинг ёғоч синчлари ва кигиз қопламалари уни тез йиғиштириш, осон ташиш ва янги жойга тез ўрнатиш имконини беради. Шунингдек, тахланувчи панжараларни кўпайтириш ёки камайтириш билан бошпана майдонини каттайтириш ёки кичрайтириш мумкин бўлган. Чорвадор қирғизлар ўтовдан ташқари санчма олачиқ, жўн олачиқ (чодирнинг бир тури) каби бошқа кўчма мавсумий бошпаналардан ҳам кенг фойдаланганлар [7,161-163].

Водий қирғизлари, асосан, ярим кўчманчи чорвачилик фаолияти билан шуғулланиб келган, яъни эрта баҳордан кеч кузгача тоғ ва тоғ олди ҳудудларида мол-қўйларини боқиб, қор тушиши билан водий қишлоқларига қишлагани тушар эдилар. Ярим кўчманчилик ҳаёт тарзида оиланинг муқим яшаш жойи бўлиб, эркаклар мавсумда чорва ҳайвонларини яйловларда ҳайдаб боқсалар, аёллар ва болалар деҳқончилик ва бошқа ишлар билан машғул бўлганлар (Ҳозирги кунда ҳам ҳаёт тарзининг бу хили водий қирғизларининг айримларида сақланиб қолган). Бу ҳаёт тарзи рус босқинидан кейин бузила бошлади. Ўзларига тегишли унумдор ҳудудларга рус мужикларининг кўчириб келтирила бошлаши билан қирғизлар ерларини сақлаб қолиш учун ўтроқлаша бошлайдилар, деҳқончилик, хизматкорлик ва бошқа машғулотлар билан ҳам шуғуллана бошлайдилар. Шу даврдан эътиборан водий қирғизлари ярим кўчманчилик ҳаёт тарзидан ўтроқ ҳаётга ўта бошладилар.

Фарғона қирғизларида рус босқинига қадар бошқа элат вакиллари билан этник алоқа, яъни оила-никоҳ муносабатлари суст кечган. Фарғонада Россия империяси ҳукмронлиги бошланганидан сўнг қирғизларнинг бошқа халқ вакиллари билан консолидация жараёнлари фаоллашади, айниқса, маҳаллий сартлар* билан ассимиляция жараёни кузатила бошлади. Бу жараённинг жадаллашувида қирғизларнинг чорвачилик, сартларнинг эса деҳқончилик билан шуғулланиб келишгани муҳим аҳамият касб этади.

Ўтроқлашиш жараёнининг кучайиши, атрофдан турли халқларнинг кўплаб келиши натижасида Фарғона водийсининг туб аҳолиси билан ўтроқлашаётган бошқа халқлар орасида ер учун кураш бошланади. Исфайрам, Аравон, Оқбўра дарёларининг суви деярли тўласича суғоришга олинади. Бу атрофдаги, шуниндек, Андижон билан Қорасув ўртасидаги қирғиз яйловлари деҳқончилик ерлари ва қишлоқларнинг қуршовида қолади. Қирғизларнинг ҳам бир қисми ўтроқлашиб, деҳқончиликка ўтадилар. Масалан, XVIII аср охири —XIX аср бошларида Мингтепа (ҳозирги Марҳамат), Жалақудуқ, Қўрғонтепа, Ойим туманларида қирғизларнинг деҳқончилик ерлари ва ариқлари пайдо бўлади. Лекин уларнинг кўпчилиги суғорма деҳқончилик районлари ўртасида қолган кичик яйловларини арзон бўлса ҳам маҳаллий аҳолига сотиб, кенгроқ яйловларга эга бўлиш учун тоққа кетадилар. Қирғизлар билан ўзбеклар ўртасида ер олди-соттиси авж олади. Жумладан, Андижоннинг жанубий томонидаги машҳур Завроқ қишлоғи атрофидаги ерлар қирғиз бойи Бойбичезаур томонидан маҳаллий аҳолига ва қашқарликларга сотилган. Шунингдек, Андижон адирининг шимол томонидаги Дархон, Сариқўй қишлоқлари ҳам қирғизлардан сотиб олинган; кичик-кичик ер участкалари қирғизлар томонидан жуда арзонга сотилгани, битта отга, ҳатто бузоққа ҳам алмаштирилгани қайд этилган [10,34].

Экин майдонлари майда дарё ва сойлардан чиқарилган ариқлар билан қанча суғорилмасин, барибир, ер ва сувга бўлган талаб ортади, шу боис сойлардан суғориш учун тўла фойдаланилади. Қувасойнинг юқори қисмида ҳам қирғизлар ўтроқлашиб, Суфан, Арсип, Мўян каби янги ариқлар чиқаришади. Натижада Қувасойнинг суви XIX аср бошларидаёқ Қуванинг шимолий қисмидаги ерларга баъзан етмай ҳам қолади.

Шаҳрихонсой ва Андижонсой каналлари чиқарилиб, ер суғорма деҳқончилик учун ўзлаштирила бошлангач, Фарғона водийсининг шарқий районларидаги кўчманчи қирғизларнинг яйловлари камайди. XIX асрнинг 20-30-йилларида иккала канал атрофида жойлашган Қўрғонтепа, Жалақудуқ районларидаги ерлар ҳам аста-секин ўзлаштирилади. Бу ерларнинг бир қисми деҳқон хўжаликлари томонидан сотиб олинади, бир қисми ўтроқлашган қирғизлар томонидан ўзлаштирилади. Сўфиқишлоқ, Холмирза, Капа каби бир неча қишлоқлар ташкил қилиниб, ўша йиллари Шаҳрихонсойдан олтита янги ариқ чиқарилади. Ҳозирги Ойим қишлоғи қирғизлардан сотиб олиниб, янги деҳқончилик феодал мулки ташкил қилинади. 20-30- йилларда Шаҳрихонсой

* «Сарт» атамаси ҳақида қаранг: Бартольд В.В. Девятнадцать лекций по истории тюркских народов Средней Азии // Соч. Т.I, Ч.5.- С.189; Ўша муаллиф: Сарт // Соч.Т.II,Ч.2.-С.527-528; Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни.-Т.,2001.- Б.390-391,415; Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи.-Т.,2007.-Б.258-259

ўзанининг Қўрғонтепа, Жалақудуқ атрофларида 1450 хўжаликдан иборат янги қишлоқлар пайдо бўлган эди[5,36].

Ер-солиқ ислоҳоти маълумотларига кўра, XX асрнинг биринчи ўн йиллиги охирида Қирғизистонда, айниқса, унинг жанубий қисмида деҳқончилик билан шуғулланувчилар кўпроқ бўлган. Қирғизларнинг кўпчилиги чорвачилик билан шуғулланишни тарк этмаган ҳолда деҳқончилик билан ҳам фаол шуғулланган. Қирғизларда деҳқончилик бир меъёрда бўлмаган, аммо экин майдонлари йилдан-йилга кенгайиб борган. Улар буғдой, арпа, сули, тариқ, жўхори, беда етиштиришган. Водийларда ва тоғ этакларида қирғизлар пахтачилик, шоличилик, сабзавотчилик, полизчилик, боғдорчилик, шунингдек, ипакчилик билан ҳам шуғулланганлар [2,286].

Қўқон хонлигининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётида қирғизлар ҳам муҳим роль ўйнаганини В.М.Плоских ўзининг «Киргизы и Кокандское ханство» асарида алоҳида таъкидлаб ўтган. Жанубий қирғизлар Қўқон хонлиги қўшинининг ядросини ташкил қилгани тарихий асарларда таъкидланади. Фарғона водийсида чорвачилик билан шуғулланувчи қирғизлар Қўқон хонларига солиқ тўлаб турганлар, хонлик улар билан доимо ҳисоблашишга мажбур бўлган. Чунки қирғизлар Фарғона водийсини Қашғар билан боғлаб турувчи савдо йўллари ўтган Толдиқ, Шарт ва Терак довонларини эгаллаб, ўша атрофларда чорва молларини боқар эдилар. Қирғизлар чорвачиликдан ташқари довонлардан савдо карвонларини ўтказиб қўйишдан ҳам катта манфаат кўрар эдилар.

Қўқон хонлигини Россия империяси босиб олганидан сўнг содир бўлган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар қирғизларнинг ўтроқлашув жараёнини кучайтирди. Натижада, XIX асрнинг 90-йилларига келиб Фарғона водийсида ўтроқ аҳоли жойлашган қирғиз қишлоқлари пайдо бўлди. Пахта етиштиришнинг кўпайиши, чорва ҳайвонларининг камайиши, тоғолди ҳудудларига Россиядан аҳоли кўчириб келиб жойлаштирилиши қирғизларнинг ўтроқлашувини янада тезлаштиради. Масалан, биргина Ўш уездида ҳар йили тахминан 480 та ярим кўчманчи қирғиз оиласи ўтроқлашган. Бу уезд бўйича 1880 йилдан 1892 йилга қадар 2791 оила ўтроқлашган эди [8,76].

XX аср бошида Фарғона вилоятида 486 та ўтроқ қирғиз қишлоқлари бўлиб, уларнинг аксариятида 500 дан ортиқ аҳоли яшарди. Булар Бужум, Боткен, Сулукта, Қорабағиш, Қўнғуржаз, Янгиариқ, Жапалоқ, Тлайкан, Исфана, Қорабулоқ, Қорағулжа, Карвон, Мосси, Дарғаз, Моди, Аччи, Олабуқа, Кетмонтепа ва бошқалар [2,302]. Бу қишлоқлар аҳолиси, асосан, деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланарди. Айрим қишлоқларда ун тортиш ва ёғ ишлаб чиқариш ривожланди. Аҳолининг бошқа машғулотлари сирасида бозор учун гилам, намат, қоп, арқон, ширдамол, бош кийимлар ва кийим-кечак ишлаб чиқаришни айтиб ўтиш мумкин.

Қирғизларнинг ўтроқлашуви улар билан ўтроқ яшовчи аҳоли ўртасидаги яқинлашув жараёнини кучайтириб, ўзаро алоқаларнинг кенгайиб боришига сезиларли таъсир кўрсатган.

Адабиётлар:

1. Бартольд В.В. Сочинения. Т.II, Ч.1.- М., 1963
2. Қирғизистон тарихи.- Бишкек, 1997 йил
3. Абулғози Баҳодирхон. Шажараи турк.- Т.: Чўлпон, 1992
4. Чоротегин Т.К., Ўмирбеков Т.Н. Қадимги Қирғизистон тарихи.- Жалолобод, 1998
5. Жалилов С. Фарғона водийсининг суғорилиш тарихидан (XIX-XX аср бошлари).- Т.: Фан, 1977
6. Наватова А.Ж., Жэнбекова Ж.А. Ретроспективный анализ применяемих материалов в национальной одежде киргизов XIX – начале XX вв. Тезисы докладов международной научной конференции студентов и молодых ученых.- Ош, 2006
7. Мамитова А.Э., Сулаймонова Ж. Юрта - как форма жилища кочевых киргизов. Киргизско–узбекский университет. Тезисы докладов международной научной конференции студентов и молодых ученых.- Ош, 2006
8. Губаева С.С. Население Ферганской долины в конце XIX начале XX вв. Т.: Фан, 1991
9. Заҳириддин Мухаммад Бобур.Бобурнома.- Т.: ЎзФА, 1958
10. Наливкин В.Краткая история Кокандского ханства.-Казань, 1886

Андижон давлат университети,
2009 йил 24 апрелда қабул қилинган.
(Тақризчи: прф. И.Алимов)